

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÂM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİ-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

## ЎРТА ОСИЁДА МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАШ ТАРИХИДАН

**Б.А.Коощанов**

Қарақалпоқ давлат университети

Панисломизм ва пантуркизм каби ғайри совет лойиҳалар туғдираётган потенциал хавфнинг олдини олишни мақсад қилган совет раҳбариятининг интилиши – Ўрто Осиёда миллий худудий чегараланиш ўтказилишининг бош сабабидир [1]. Совет раҳбариятининг мақсади “Бухоро”, “Туркистан” ва “Хива” каби номларни эсдан чиқариш эди, чунки бу номлар минтақа аҳолисининг сиёсий содиқлигини ифодаловчи ва туб аҳоли орасида қонуний деб ҳисобланувчи давлат рамзлари эди [2].

Америкалик тарихчи олим Эдвард Каррнинг таъкидлашича, советлар белгилаб берган Ўрта Осиё ҳудуди 1920 йилда илк марта расман Ўзбекистон деб номланган сиёсий-худудий бирлиқдан анча катта минтақани ўз ичига олар эди. Марказий Осиёнинг жануби ҳисобланган Ўрта Осиё, яъни жанубий Қозоғистондан Эронгача, шимолий Афғонистондан Шарқий Туркистонгача бўлган минтақа Марказий Осиё тарихида ўзбекларнинг ватани сифатида ифодаланган [3].

Тарихан таркиб топган учта давлатни тугатиб туриб, уларнинг ўрнига янги давлатлар тузиш фикри ўлка ва марказнинг раҳбар ходимларидан чиқди. 1920-йилнинг бошларида ёк Туркистонни бўлиб ташлаш ва миллий тил белгисига қараб муҳтор республикалар тузиш масаласи қўйилган эди. Бу ғоя Турккомиссия раиси Я.Рудзутак ташаббуси билан 1920-йил 15-январда қабул қилинган тезисларда айтилади. Бу тезислар ўша йилнинг июн ойида РКП(б) Марказий Комитетининг «Партияning Туркистондаги вазифалари ҳақида» деган қарори лойиҳасига киритилди. Бу таклифни В.И.Ленин қўллаб-қувватлади. Лойиҳага билдирган ўз мулоҳазаларида у Туркистоннинг «Ўзбекия, Қирғизия, Туркмания»га бўлинган картасини тузиш зарур деб кўрсатди. В.И. Ленин бирмунча кейинроқ ўзи тайёрлаган бошқа бир лойиҳада ўз нуқтаи назарини ўзгаририб: «Республикани (яъни Туркистонни) З қисмга бўлиш олдиндан ҳал қилиб қўйилмасин», деб уқтириди [4].

Миллий республикалар тузиш зарурлиги ғояси ташаббусчилари уни (яъни, бу ғояни) ерли халқлар ҳаётида тенгсизлик мавжудлиги, миллий можаролар кучайиб бораётгани билан асосладилар. Бу можаролардан қутулиш йўли туркманлар, қирғизлар ва бошқаларнинг миллий давлатини тузиш, деб эълон қилдилар, амалда эса бу чора-тадбир халқларни бир-биридан ажратиб қўйишдан

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTWI, TARİYXNAMASI HÂM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMÝ-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

бошқа нарса эмас эди. Ҳудудларни қайтадан белгилаш ва чегаралаш тарафдорлари тил тафовутлари, миллий тафовутларга диққатни күпроқ қаратиб, ҳўжаликка оид, иқтисодий омилларни, мавжуд сув ресурслари, суғориш тизимларининг умумий эканлигини камроқ ҳисобга олдилар. Умуман, сиёсий жиҳатлар биринчи даражали ҳисобланди. Раҳбар ходимлар орасидаги европаликлар билан туб халқлар вакиллари ўртасидаги ихтилофлар, шунингдек, айrim гурухбозлик кўринишлари механик тарзда Ўрта Осиё минтақаси халқлари ўртасидаги муносабатларга кўчди. Рудзутак, Сталин ва бошқалар Ўрта Осиёда миллий можаро мавжудлигини уқтиридилар. Миллий масала сунъий равиша бўрттириб юборилди ва давлатлар ҳудудини тубдан қайта белгилаш учун ҳал қилувчи асосий далил сифатида илгари сурилди.

Турор Рисқулов Турккомиссия ва Я.Рудзустак тезисларига қарама-қарши ўлароқ, ва бир гуруҳ миллий етакчилар 1920-йилдаёқ туркийзабон халқлар ягона бўлиб, уларнинг тарихий илдизлари, динлари, анъаналари ва маданияти муштаракдир, Туркистонни алоҳида қисмларга ажратиб бўлмайди, деган ғояни илгари сурдилар. Бироқ бу фикрни большевикча Марказ инкор этиб, уни пантуркизм, панисломизм, буржуа миллатчилиги деб баҳолади [5].

Минтақани миллий-ҳудудий жиҳатдан қайта тузиш масаласи партия органлари томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) умумминтақани қамраб оладиган чегараланиш зарурлиги тўғрисидаги масалани республикалар партия органлари, партия ходимлари мухокамасига қўйишга зўр бериб интилди. Бу ҳолат, хусусан, СССР тузилгач (1922-йил 30-декабр) кучайди.

Файзулла Хужаев Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви тугрисидаги фикрни бошида куллаб-кувватламади. Чунки у иқтисодий сиё- сатни ишлаб чиқариш, минтака ҳалк хужалиги истиқболлари тугрисида карор кабул килишгacha булган барча ишлар Марказ кулига утаётганлигини энг аввало сезган ва бу сиёсатнинг машъум окибатларини чукур тушунган арбоб эди.

Ўрта Осиёни чегаралаб бўлиш ва миллий республикалар тузиш ғояси 1924-йилда амалга оширила бошланди. Бироқ бу масалага доир зиддиятлар айни даврда ҳам давом этаверди. Бу кампанияда иштирок этишдан бўйин товлашга очиқ-ойдин интилиш ҳоллари такрорланаверди, янги лойиҳалар таклиф этилди. Лекин Марказ, Ўрта Осиё бюроси қаттиқ туриб олди. Аммо Ўрта Осиё республикаларидаги ҳукumat ва партия органларининг нуқтаи назарлари яқдил эмас эди. Туркий

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÂM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

халқлар бир-бирига яқин, деган фикр ўртага қўйилар, бошқа далиллар келтириларди.

1924-йил февралида Бухоро Компартияси чегараланиш масаласини кўриб чиқди. Унда Ўрта Осиёning маъмурий тузилиши юзасидан такиф этилаётган, барча туркий халқларнинг илдизи бирлигини ҳисобга олмайдиган сиёsat ўтмиш истилочилари сиёсати билан бир деб айтилди. Ўрта Осиё бюроси тезислардаги бу фикрларни хато деб эълон қилиб, қаттиқ танқид остига олди.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Туркистон компартиясининг 10-марцдаги бирлашган кенгашида атоқли партия ходимлари С.Хўжанов, С.Асфандиёров, Н.Паскуцский Ўрта Осиёдаги мавжуд совет республикалари ўрнида Ўрта Осиё федерациясини тузиш тўғрисида таклиф киритдилар. Шу билан бирга С.Хўжанов Туркистон ягона, бир бутун ва унинг яхлитлигини бузиш мақсадга мувофиқ эмас, деб қўшимча қилди.

Хоразм раҳбарларида ҳам алоҳида фикрлар мавжуд эди. 1924-йил мартада улар республика доирасида: туркманлар, ўзбеклар, қирғизларнинг «суд ишлари... шариат бўйича олиб бориладиган, миллий тиллардаги... мактаблари бўлган» мухтор вилоятларини тузишни таклиф этдилар. 8-май куни бир гуруҳ Хоразм раҳбарлари РКП(б) Марказий Комитетига «Хоразмда миллий масалани ҳал қилиш тўғрисида мактуб» юбориб, унда Хоразмни чегараланишга қўшмасликни илтимос қилдилар. Улар ўзларининг шу нуқтаи назарларини республиканинг олисда жойлашганлиги, иқтисодий жиҳатдан ажralиб турганлиги билан асосладилар. Бу нуқтаи назарни Хоразм Компартияси Марказий Комитети, жумладан, Қаландар Одинаев (1897—1938) ҳам қўллаб-қувватлади. Қаландар Одинаев 1922-йил октабрига қадар Амударё вилоятида, сўнгра Хоразмда РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси вакили бўлиб ишлади. 1924-йил июлда Қ.Одинаев Хоразм Компартияси масъул котиб вазифасидан олиб ташланди [6].

Туркистонда, Бухоро ва Хоразм республикаларида амалий иш бошлаб юборилди. Комиссиялар ва кичик комиссиялар бўлғуси тузилмаларнинг ҳудудлари ва чегаралари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқдилар. Бошқарув аппаратлари тушиб, режалар, иқтисодиёт, бюджет, ер-сув муаммоларини, маориф, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш муаммоларини ва бошқаларни ҳал қилдилар. Сиёсий тушунтириш ишлари олиб борилди. Материаллар матбуотда эълон қилинар, митинг ва йиғилишлар ўтказилар эди. Миллий-худудий чегараланиш ўтказилишини маъқуллаб резолюциялар қабул қилинди.

# **«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMÝ-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI**

Россияда фукаролар уруши ва чет эл харбий интервенциясига карши кураш йилларида (1918-1922 йиллар) Россия империясининг собик худудида мустакил давлатлар (Польша, Финляндия), мустакил миллий республикалар (Литва, Латвия, Эстония, Украина, Озарбайжон, Грузия, Арманиетон), совет республикалари (Белоруссия ССР ва б.), мухториятли хукуматлар (Туркистан Мухторияти, Алаш Орда, Бошкирдистон Мухторияти ва б.) ташкил топди. Бундан ташкари, РСФСР таркибида турли автоном совет республикалари (Туркистан АССР, Киргизистон АССР [аслида Козогистон АССР] ва б.) бор эди [7].

Юкорида номлари тилга олинган давлатлар ва республикалар билан совет Россияси уртасидаги муносабатлар мураккаб характерда булган. Совет хукуматининг дастлаб эълон килган расмий хужжатларидан бири - «Россия халклари хукуклари Декларацияси» (1917 йил 2 ноябрда кабул килинган )да янги ташкил килинган совет Россияси Халк Комиссарлари Совети уз фаолиятида «Россия халкларининг уз тақдирларини узлари эркинлик билан белгилашлари, хаттоки ажралиб чикиш ва мустакил давлат тузиш хукукини» асос килиб олганликлари тантанавор равишда эълон килинган булса-да, аслини олганда большевиклар Польша ва Финляндиядан бошка халклар (Украина, Кавказ, Туркистан, Болтикбуйи ва б.)га мустакиллик беришни хохламаганлар.

РСФСР билан бошка совет республикалари уртасида, бир томондан, «мустакил» алокалар мавжуд булса, иккинчи томондан, улар совет Россияси изми билан иш курган. Чунки бу республикаларнинг вакиллари Бутунrossия Советлари съездларида иштирок этган, РСФСР конунчилиги бу республикалар худудларида у ёки бу даражада кучга эга булган. Бу республикалардаги хукмрон сиёсий партия - коммунистик партия Россия Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитетига буйсунган. Бу республикаларнинг армияси ягона кизил армия таркибига, бюджети РСФСР бюджети хисобига кирган. Россиянинг худуди ва ахолиси (100 млн кишидан куп), кизил армия (5,5 млн. киши) нинг микдорини бу «мустакил» ёки автоном совет республикаларининг хакикий холати ва кучи билан солишириш кийин.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон тарихи. 1917-1991. 1-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 4-6.
2. Узбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Узбекистон совет мустамлакачилиги даврида.— Тошкент: Шарк, 2000. 45 б.
3. Эдвард Карр. История Советской России. Кн. 1: Том 1 и 2. Большевистская революция. 1917 - 1923. Пер. с англ./ Предисл. Ненарокова А.П.- М.: Прогресс, 1990. 65 б.

# **«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI**

4. Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологий. Ташкент, 2002. 54 б.
5. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммаларига янги чизгилар. Тошкент, 1999. 64 б.
6. Ўзбекистон тарихи. 1917-1991. 1-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 72 б.
7. Адиб Халид. Ислам после коммунизма: религия и политика в Центральной Азии : [пер. с англ.] / Адиб Халид. - Москва : Новое литературное обозрение, 2010. – 73 б.